

ВАТАНПАРВАРЛИК – АЖДОДЛАРИМИЗДАН МЕРОС

Турсун Бўриев

Самарқанд шаҳар I-сон ихтисослаштирилган мактаб интернатининг ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида ва чақириққача ҳарбий тайёргарлик бўйича директор ўринбосари, заҳирадаги подполковник

Аннотация: Ўқувчиларга юртимиз тарихига назар ташлаб, Ватан сарҳадларини, мамлакат келажагини кўзга тўтиё айлаб, ҳаттоди жонларини фидо қилган, тарихда абадий қолган ватандошларимизни, қолаверса, яқингинада, яни мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида юртимизга тажовузкорона бостириб кирган террорчиларга қарши жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган замондошларимизнинг хотиралари абадий эканлигини етказиши.

Калит сўзлар: Ватанпарварлик, қатагон, афғон, госпитал, империя, жадид, ҳарбий хизмат.

2018 йил 23 февралда қабул қилинган “Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси”да ёш авлодни миллий ғоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг онги ва қалбига Ватан ҳимояси шарафли бурч эканлигини чукур сингдириш, қадимий тарихимиз ва маданиятимиз, Ватанимизнинг мустақиллиги ва равнақи йўлида жасорат кўрсатган миллий қаҳрамонларимиз билан фахрланиш, уларга муносиб авлодлар бўлиш туйғусини шакллантириш вазифаси қўйилган.

Ватан нима? Ўзбек миллий энциклопедиясида “Ватан” сўзи “кишининг туғилиб ўстган ўлкаси, она юрти, диёри, ҳар бир фуқаро учун мамлакат, турар жой, бошпана, маскан, уй” маънолари билан ифодаланган.

“Ватан – ҳеч кимга берилмайдиган сарҳад, табаррук тупроғи кўзга тўтиё юрт”. Ватан бу – она, хонадон остонаси, онажонимиз алласи. Ватан бу – ота-онамиз изи қолган ҳовли, отамиз ҳиди келиб турган чопон, кексалигида суюнган ва эсадлик бўлиб қолган ҳассаси, аждодлар кўмилган қабристон, биринчи марта атак-чечак қилган айвон, биринчи марта тилимиздан дадажон деб чиққан сўзга гувоҳ юз йиллик ўрик дарахти, биринчи марта Рамазон айтиб кезган маҳалламиз, биринчи муаллим, биринчи муҳаббатни ҳис этган макон, мактабнинг битирув кечаси, биринчи марта ҳарбий хизматга кетаётгандаги хайрлашув оқшоми.


Ҳарбий хизмат чоғида ҳамма аскарлар бир ёқадан бош чиқариб қилинган хизмат, кечалари ухламай картошка тозалаганимиз, кўзимиз ачиб пиёз артганимиз, қишининг аёзли кунларида қорга ботган командирнинг машинасини кўпчилик бўлиб чиқарганимиз, олти ойлик сержантлик мактабида ўқиганимиздан сўнг бошқа ҳарбий қисмга жўнатишгани, Туркманистон чўлларида ёзнинг жазирама иссиғида фляжкамиздаги сувнинг қайнаб қолиши, қумга тухум кўмиб пиширганимиз, афғондан

келаётган ярадорларни Тошкент ҳарбий госпиталига олиб борганимизу, уларнинг йўл-йўлакай уруш ҳақидаги даҳшатли ҳикоялари, уруш бу – хонавайронлик, очлик ва азоб-уқубат эканлигини ич-ичимиздан ҳис этиш. Шунда ёдимга онамнинг укаларим ва сингилларимни бешикда тебратиб айтган алласи, укам билан дарёда чўмилганимиз, қават-қават кўрпачаларни айвонга тўшаб кураш тушганимиз, қўйингки, тинч ва осуда ҳаётимиз ёдимга тушади. Номинг ўчсин уруш... Иккинчи жаҳон урушидан бобом ярадор бўлиб келган эдилар, бугун эса ёшгина йигитлар бири кўзидан айрилган, бирисининг оёғи йўқ. Қанчадан қанча одамлар уруш туфайли ўз туғилган юртини тарк этди, қанчаси жон фидо қилди. Биз аскар бўлиб урушга бормасак-да, унинг асоратларини кўрдик ва тинч ҳаётнинг қанчалар totli эканлигини ҳис қилдик.

Аскар Ватанининг ори, номуси, шарафи ва шонини ҳимоя қиласи, ота-она, акаука, опа-синглиси ва севган ёрини ҳимоя қиласи, керак бўлса жонини фидо қиласи.

Ватанпарварлик нима? Ватанпарварлик – барча инсонлар, халқлар ва миллатлар учун умумий бўлган, асрлар давомида тобланган умуминсоний туйғу, маънавий қадриятлардан биридир. Ватанпарварлик инсонларнинг ўз ватанлари тақдири билан боғлиқ ижтиомий ривожланиш, аҳоли ўзи яшаётган худуднинг дахлсизлиги ва мустақиллиги учун кураши мобайнида сайқаллашиб келган ҳис-туйғулардир. Биз Ватанимизнинг ўтмиши билан фахрланамиз ва унинг манфаатларини ҳимоя қилишга тайёр турамиз.

Юртимиз тарихида Ватанпарвар инсонлар жуда кўп бўлган. Масалан, форс подшоси КирII га қарши курашган Тумарис, Македонский қўшинларига қақшатгич зарбалар берган Спитамен, мўғул босқинчиларига қарши курашган Нажмиддин Кубро ва саркарда Жалолиддин Мангуберди, буюк салтанатни яратган Соҳибқирон Амир Темур, ўзбек тилини дунёга танитган шоир бобомиз Алишер Навоий, буюк астроном Мирзо Улуғбек, ўз юртин кўйиб, Ҳинд сори юзланган ва буюк империя яратган Бобур Мирзо, жадидлик ҳаракатининг ёрқин намояндаси Файзулла Хўжаев, ўзбек болаларининг саводини чиқариш, уларга дунёвий илмлар ва чет тилларини ўргатиш учун дарсликлар чиқарган Махмудхўжа Беҳбудий, қатағон йилларида яшаб сўз эркинлиги учун курашган Абдулла Авлоний, иккинчи жаҳон уруши майдонларида қаҳрамонларча жанг қилган генерал Собир Раҳимов ва Белоруссия ўрмонларида партизанлик қилган Мамадали Топиволдиев, Ўзбекистонимизни мустақилликка етаклаган Биринчи Президентимиз Ислом Каримов, мадҳиямизни ёзган шоир Абдулла Орипов ва композитор Мутаваккил Бурхонов, 1999-2000 йилларда ватанимиз сарҳадларига бостириб кирган террорчиларга қарши курашда ўз жонларини фидо қилган Самарқандлик мард ўғлонлар Улуғбек Барноев, Сайёр Садинов ва Маъруф Ражабовларнинг қилган меҳнатлари ва кўрсатган жасоратлари таҳсинга лойиқ.



Ўз халқини, Ватанини, оиласини ҳимоя қилиш йигит кишининг бурчидар. Ўзбекистонда туғилиб вояга етган ҳар бир йигит Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиши, Ватанимиз сарҳадларини қўриқлаши унинг муқаддас бурчидир. Ватанни қўриқлаш учун доимо тайёр туриш ёш ўғлонлар қалбига сингиб кетиши зарур. Юртимиз сарҳадларини қўриқлаётган, тинчлигимиз ва осойишталигимизни таъминлаб турган чегарачиларимиз, Қуролли Кучларимиз, Миллий гвардия ва Ички ишлар ходимларининг туну кун тинмай ҳушёрлик ва сергаклик билан қилаётган хизматларининг самараси – бу Ватанимизнинг тинчлиги ва барқарорлигидир.

Ҳар биримиз, қайси соҳада ишлашимиздан қатъий назар, ўз шахсий манфаатларимизни шу Ватан, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб олиб боришимиз, ёшларни етук билимли, юксак салоҳиятли, комил инсон қилиб тарбиялашда ўз ҳиссаларимизни қўшмоғимиз лозим. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади” деб бу жараёнга юқори баҳо берган эди.